

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**МАТКАРИМОВ ДАВРОНБЕК МАТЯКУБОВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТНИ МОЛИЯВИЙ  
ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08. - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 657.1 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

**Маткаримов Давронбек Матякубович**

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари  
асосида такомиллаштириш.....3

**Маткаримов Давронбек Матякубович**

Совершенствование финансового учета и отчетности на основе  
международных стандартов финансовой отчетности.....27

**Matkarimov Davronbek Matyakubovich**

Perfection of the financial accounting and reporting on a basis of International  
Financial Reporting Standarts.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**МАТКАРИМОВ ДАВРОНБЕК МАТЯКУБОВИЧ**

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТНИ МОЛИЯВИЙ  
ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08. - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt116 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tfi.uz) ҳамда “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исманов Иброҳим Набиевич**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий аппонентлар:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Неъматулла Фатхуллаевич**

иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**И.Н.Кўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро миқёсда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)”<sup>1</sup> асосида шакллантирилган молиявий ҳисобот корхона капиталининг яхлитлиги ва назоратини таъминлаш, компаниялар томонидан молиявий, бошқарув ва стратегик қарорлар қабул қилиш учун асос бўлишига эришиш, ундан халқаро молиявий ахборот алмашинув инструменти сифатида фойдаланиш имконини беради. Дунё мамлакатларида молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтказиш асосида ахборотларнинг қамровини кенгайтириш ва шаффофлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилаётганлиги бу масалани бугунги кунда долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатларда халқаро интеграциялашув жараёни такомиллашиб бораётган шароитда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштиришга эришиш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқотларда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш босқичлари, трансформация қилишнинг усуллари, молиявий ҳисоботларни таркибий тузилишларини такомиллаштириш масалалари кенг ўрганилган. Лекин хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини киритиш, ҳисоботларда молиявий хўжалик фаолиятининг натижалари, пул оқимлари ҳаракати ҳолати бўйича ахборот имкониятларини кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини МҲХС асосида такомиллаштириш – мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими яхлитлигини бузмасдан, изчиллик билан, ватанимиз бухгалтерия ҳисоби тизимининг бозор иқтисодиёти талабларига номувофиқлиги ва камчиликларини бартараф қилиш имконини беради. Айнан МҲХСнинг татбиқ этилиши билан хўжалик фаолиятини бошқариш мақсадлари учун ягона методикадан фойдаланиш орқали ҳисоб тизимини такомиллаштиришга имкон туғилади, бу ўз навбатида менежерлар бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган ахборот билан таъминлаб, акционерлар ва бозор билан онгли мулоқот қилиш имконини беради, компаниянинг шаффофлигини ошириб, корпоратив тизимни мустаҳкамлайди. “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда

---

<sup>1</sup> Бу ерда ва кейинги матнда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ёки Халқаро ҳисоб стандартлари дейилганда – IAS - Бухгалтерия ҳисобнинг халқаро стандартлари ва IFRS - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тушунилади.

акциядорлар ролини кучайтириш учун кулай шароитлар яратиш”<sup>2</sup>да МХХСни қўллаш мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаб, тадбиркорлар ишончини мустаҳкамлайди, Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага оид бўлган бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришда хорижий иқтисодчи олимлардан: Н.Антил, К.Ли, М.Р.Байе, Р.Брейли, С.Майерс, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Э.С.Хендриксен, М.Ф.Ван Бреда, Ч.Т.Хорнгрен, Дж.Фостер, Р.Шиллер, А.В.Алейникова, Ю.А.Бабаев, А.М.Петров, М.А.Вахрушина, В.В.Ворушкин, Л.А.Мельникова, В.Г.Гетьман, А.Ю.Карецкий, Р.Г.Каспина, В.В.Качалин, Н.П.Кондраков, И.Н.Кондраков, А.В.Лишиленко, Е.А.Мизиковский, М.И.Кутер, Т.Ю.Дружиловская, Н.П.Мощенко, И.А.Слабинская, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, Н.С.Пласкова, В.А.Ровенских, В.Т.Чая, Г.В.Чая<sup>3</sup> каби олим ва мутахассисларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4720-сонли Фармони. 2015 йил 24 апрель.

<sup>3</sup> Антил Ник, Ли Кеннет. Оценка компаний. Анализ и прогнозирование с использованием отчетности по МСФО. – М.: Альпина Паблишер, 2015; Байе М.Р. Управленческая экономика и стратегия бизнеса. Учеб. пособие для вузов / Пер. с англ. Под ред. А.М.Никитина – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. – 743 с.; Брейли Ричард, Майерс Стюарт. Принципы корпоративных финансов / Пер. с англ. Н.Барышниковой. – М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2008. – 1008 с.: ил.; Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. Пер. с англ./Под ред. Я.В.Соколова. – 2-е изд., стереотип. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 496 с.: ил.-(Серия по бухгалтерскому учету и аудиту); Хендриксен Э.С., Ван Бреда М.Ф. Теория бухгалтерского учета: Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 576 с.: ил.-(Серия по бухгалтерскому учету и аудиту); Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. Пер. с англ./Под ред. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 416 с.: ил.-(Серия по бухгалтерскому учету и аудиту); Шиллер Р. Финансы и хорошее общество / пер. с англ. Ю.Каптуревского; под ред. Т.Дробышевской, А.Смирнова. – М.: Изд-во Института Гайдара, 2014. – 504 с., Алейникова А.В.

Кейинги йилларда республикамизда ҳам молиявий ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди ҳамда илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликлар чоп қилинмоқда. Буларга мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларидан И.Т.Абдукаримов, К.Б.Ахмеджанов, Б.О.Болибеков, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, И.Н.Исманов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, С.У.Меҳмонов, О.Бобожонов, М.Қ.Пардаев, С.Н.Ташназаров, У.И.Тўлаев, К.Б.Уразов, Н.Б.Хўжабеков, Б.К.Ҳамдамов кабиларнинг<sup>4</sup> изланишларини киритишимиз

---

Адаптация бухгалтерского учета и отчетности российских предприятий к требованиям международных стандартов: на примере горнодобывающих организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени. – М.: 2015. – 23 с.; к.э.н.; Бабаев Ю.А., Петров А.М.Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО): учебник - М.: Вузовский учебник: Инфра-М, 2012. - 398 с.; Вахрушина М.А., Мельникова Л.А. Международные стандарты финансовой отчетности. 2-е изд., стер. – М.: “Омега-Л”, 2011 – 571 с.; Воружкин В.В. Организация перехода на Международные стандарты финансовой отчетности в условиях интеграции России в мировую экономику. Автореферат дис. канд. эконом.наук. – М.: 2003. – 22 с.; Гетьман В.Г. Международные стандарты финансовой отчетности: учеб. для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2009. 656 с.; Карецкий А.Ю. Развитие методики формирования бухгалтерской (финансовой) отчетности организации в соответствии с требованиями МСФО: Автореферат дис. канд. эконом.наук Ростов-на-Дону: 2014. – 25 с.; Каспина Р.Г. Практическое применение международных стандартов финансовой отчетности в России. – М.:Бухгалтерский учет, 2006. – 162 с.; Качалин В.В. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами СААР. - М.: Эксмо, 2004. – 400 с. – (Портфель бухгалтера).; Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет в схемах и таблицах : учеб. пособие – М.: Проспект, 2015. – 298 с.; Кутер М.И. Теория бухгалтерского учета. Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 592 с: ил.; Лишиленко А.В. Бухгалтерский учет: Учебник. 3-е изд. Перед. и . доп. – К.: Центр учебной литературы, 2011. – 736 с.; Мизиковский Е.А., Дружиловская Т.Ю. Международные стандарты финансовой отчетности и бухгалтерский учет в России. - М.: Бухгалтерский учет, 2006. – 168 с.; Мощенко Н.П. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учеб. Пособие. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 272 с.; Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник. 6-е изд., испр. и доп. – М.: Инфра-М, 2013. 506 с.; Пласкова Н.С. Анализ финансовой отчетности, составленной по МСФО: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2015.; Ровенских В.А., Слабинская И.А. Бухгалтерская (финансовая) отчетность: учебник для бакалавров. – М.: «Дашков и К°», 2015. – 364 с.; Соколов Я.В., Бутынец Ф.Ф., Горецкая Л.Л., Панков Д.А. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во “Проспект”, 2007. – 203 с.; Чая В.Т., Чая Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: Юрайт, 2015. – 432 с.

<sup>4</sup>Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999. – 320 б.; Ахмеджанов К.Б. Хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарда молиявий ҳисоб аудитни такомиллаштириш йўллари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: 2000. – 28 б.; Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия, 2002. 672 б.; Болибеков Б.О. Савдо-тижорат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил этишни такомиллаштириш: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: 2005. – 24 б.; Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: 2008. – 36 б.; Ибрагимов А.К., Очиллов И., Қўзиёев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. – 443 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Фарғона.: 2009. – 32 б.; Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: 1999. – 24 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. – 36 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2005. – 32 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Т.: 2018. – 69 б.; Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 2003. – 256 б.; Ташназаров С.Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда молиявий бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд: 2005. – 24 б.; Тўлаев У.И. Молиявий ҳисобот тузиш услублари ва унинг ахборот таъминотини такомиллаштириш: И.ф.н. илмий

мумкин. Мазкур олим ва мутахасисларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлсада, лекин ушбу ишларда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари нуқтаи-назаридан такомиллаштириш масалалари алоҳида объект сифатида етарлича очиб берилмаган. Буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг таркибий тузилишини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоб ва ҳисобот шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш орқали унинг илмий-назарий ва услубий жиҳатларини очиб бериш;

миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) нуқтаи назаридан тадқиқ қилиб, такомиллаштириш заруриятини асослаш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисоб сиёсатининг такомиллаштирилган шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларда фойдаланилаётган, тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларда товар моддий захиралар сифатида таснифланадиган активларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ баҳолаш тартиби бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

молиявий ҳисобот шакллари такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоб ва ҳисоботлари танлаб олинган.

---

даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2012. – 23 б.; Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд: 2006. – 36 б.; Хўжабеков Н.Б. Бизнесни бирлаштиришда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Самарқанд: 2009. – 24 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодийнинг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: 2007. 66 б.



**Тадқиқотнинг предмети** хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар давомида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, статистика, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилишни киритиш асосида акциядорлик жамиятлари ҳисоб сиёсатининг такомиллаштирилган шакли ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида фойдаланилаётган, тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳоланиб, фойдали хизмат муддати аниқланиб, келгусида фойдаланилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида товар моддий захиралар сифатида таснифланадиган активлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний қиймати ва баланс қийматининг энг пасти бўйича баҳоланган таклиф қилинган;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)нинг “операцион фаолият”, “инвестицион фаолият” ва “молиявий фаолият” номли бўлимларининг таркиби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботнинг 1-шакл “Бухгалтерия баланси”га қўшимча устун – “Ўтган ҳисобот даври бошига қолдиқ”ни киритиш асосланган;

мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар учун амалдаги 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да келтирилган маълумотларни соддалаштириш ва аниқ ифодаланишини таъминлаш мақсадида мазкур ҳисоботдаги даромад ва харажатлар устунларини қисқартириш ҳамда тегишли сатрларни киритиш таклиф қилинган;

молиявий ҳисобот маълумотларининг бир-бири билан боғлиқлиги аниқ ифодаланишини таъминлаш мақсадида балансга янги устуннинг киритилиши “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларини ўтган ҳисобот давридаги кўрсаткичлар маълумотлари билан таҳлил қилиш имкониятини яратганлиги туфайли “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларини ҳам икки ҳисобот даврини ўз ичига оладиган ҳолатда ифодалаш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида фанда тан олинган ёндашув ва усуллардан фойдаланилганлиги, молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартлари қиёсий таҳлил қилинганлиги, тадқиқот маълумотларининг расмий манбалардан, жумладан,

акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда турли мулк шакллари ва фаолият турларидаги корхоналар томонидан очиқ ҳисоботни шакллантириш жараёнида ва қарор қабул қилишда фойдаланувчиларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш муҳимлиги нуқтаи назаридан молиявий ҳисоб тизимининг келгуси тараққиёти учун кенг қўллаш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳамда акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилишда, уларни амалиётга татбиқ этишда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг молиявий ҳисоб ва ҳисоботга оид қисмини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий хулосалар асосида:

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган ҳисоб сиёсати “Minora qurish ekspeditsiyasi” акциядорлик жамияти, “Neft va gaz quduqlarini sinash” акциядорлик жамияти ва “Qashqadaryo Dori-darmon” акциядорлик жамияти амалиётга жорий қилинган (“Minora qurish ekspeditsiyasi” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 03/БК-165-сон, “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 275/5-сон ва “Qashqadaryo Dori-darmon” АЖнинг 2018 йил 7 февралдаги 03-01/63-сон маълумотномалари). Ушбу тавсиядан фойдаланиш натижасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш имконияти яратилган;

акциядорлик жамиятларида фойдаланилаётган, эскириш суммаси тўлиқ ҳисобланган асосий воситаларни (асосан, бурғулаш миноралари) ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолаб, фойдали хизмат муддати аниқланиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби бўйича таклифлари “Minora qurish ekspeditsiyasi” акциядорлик жамияти ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” акциядорлик жамияти амалиётда жорий қилинган (“Minora qurish ekspeditsiyasi” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 03/БК-165-сон ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 275/5-сон маълумотномалари). Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларида акс эттирилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати “Minora qurish ekspeditsiyasi” АЖда 14 898 720,8 минг сўмга ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖда 22 553 681,9 минг сўмга оширишга эришилган;

акциядорлик жамиятларида товар моддий захиралар сифатида таснифланадиган активлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро

стандартларига мувофиқ ҳаққоний қиймати ва баланс қийматининг энг пасти бўйича баҳолаш бўйича таклифлари “Minora qurish ekspeditsiyasi” акциядорлик жамияти ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” акциядорлик жамияти амалиётига жорий қилинган (“Minora qurish ekspeditsiyasi” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 03/БК-165-сон ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖнинг 2018 йил 8 февралдаги 275/5-сон маълумотномалари). Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларида акс этирилаётган товар моддий захиралар қиймати “Minora qurish ekspeditsiyasi” АЖда 37 923,85 минг сўмга ва “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖда 1 138 884,87 минг сўмга камайишига эришилган;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабидан келиб чиқиб, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)нинг “операцион фаолият”, “инвестицион фаолият” ва “молиявий фаолият” номли бўлимларининг таркиби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштирилган таркибига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиявий ҳисобот шакллари такомиллаштиришда фойдаланилган (Молия вазирлиги Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услугиёти бошқармасининг 2012 йил 6 июндаги 12/12-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг ҳар бир фаолият тури бўйича (операцион, инвестицион ва молиявий фаолият) аниқ ифода этиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та, жумладан, 1 таси халқаро ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ беилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “�збекистонда молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро стандартлар билан интеграциялашуви ва унинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида молиявий ҳисоб ва ҳисобот шаклланишининг назарий ва услубий асослари, миллий иқтисодиётда молиявий ҳисоб ва ҳисобот шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда Ўзбекистонда молиявий ҳисоб ва ҳисобот концепцияси ҳамда уни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари билан интеграциялашуви жараёнлари кенг ёритилган. Ушбу боб бўйича алоҳида хулосалар, таклиф ва тавсиялар ҳам берилган.

Тадқиқот давомида миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) мослаштириш зарурияти ва шу нуқтаи назардан уларнинг шакли ҳамда таркибини такомиллаштириш йўллари асосланган.

Ислохотлар жараёнида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасида туб ислохотлар амалга оширили. Жумладан, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди (1996 йил 30 август), бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар талабидан келиб чиққан ҳолда миллий стандартлари қабул қилинди, “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” ҳам ишлаб чиқилди, Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари ўзгартирилиб, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилди.

Шу даврдан буён ўтган вақтда жаҳон иқтисодиётида бир қанча ривожланиш босқичлари бўлиб ўтди. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”ги Қонун қабул қилингандан 2007 йилгача ривожланиш босқичи юз берди. Жаҳон иқтисодиёти 2008 йилдан бошлаб молиявий-иқтисодий инқирозга юз тутди. Албатта, бундай инқироз иқтисодиётни тартибга солувчи механизмларни, хусусан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Натижада, халқаро ҳисоб стандартларининг мазмун-моҳиятида ҳам туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Албатта, бу инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига кескин таъсир қилмади. Бироқ, мамлакатимизнинг иқтисодий интеграциясини инобатга оладиган бўлсак, вазият халқаро стандартларга мос ҳолда такомиллашиб боришни тақозо қилади. Афсуски, халқаро стандартлардаги ўзгаришлар ўз вақтида миллий стандартларимизда ўз аксини топмади. Натижада, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича миллий стандартларимиз билан халқаро стандартлар ўртасидаги тофовут кенгайиб борди. Шу жиҳатдан, бугунги кунда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (IAS, IFRS) мослашувини амалга оширишни объектив зарурат деб биламиз.

Бугунги кунда миллий молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришда давлат ҳокимияти органлари (асосий ислохотчи Молия вазирлиги сифатида) ва Касбий бирлашмаларнинг (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар федерацияси) олдида турган вазифалар қуйидагича (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро ва миллий стандартлари бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи субъектлар<sup>5</sup>

Давлат ҳокимияти органлари	Касбий бирлашмалар
Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудиторлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқади	Касбий бирлашма аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади
Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиради	Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади
БХМСлар ва бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик фаолияти соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилади	БХМС лойиҳалари, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик фаолияти соҳасидаги бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, уларга шарҳлар ишлаб чиқишда қатнашади
Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудиторлик фаолияти соҳасида қонунчиликка риоя этиш устидан давлат назоратини олиб боради	Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудиторлик фаолияти соҳасида халқаро нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш
Давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар билан бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик фаолияти соҳасида ҳамкорликни ташкил қилади	Ўзбекистон Республикасида МҲХСларни маъқуллаш (МҲХСлар асосида БХМСлар ишлаб чиқиш) жараёнида уларни касбий жамоат экспертизасидан ўтказиши
МҲХСларни маъқуллаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритиш тартибini белгилаш ваколатига эга	Касбий этика меъёрларини ишлаб чиқади ва уларга касбий бирлашма аъзоларининг риоя этишини назорат қилади
	Касбий ҳамжамият аъзоларининг малакасини оширади

Ҳисобот шакллари компаниянинг молиявий ҳолати, операциялари ва фаолият натижалари ҳақида батафсил тушунча бериши шарт. Молиявий ҳисобот, ҳисобот топширадиган компаниянинг активлари, мажбуриятлари, капиталли, даромади, харажати ва молиявий натижалари тўғрисида ахборотни тушунтириб бериши керак. Кўрсатилган ахборот манфаатдор фойдаланувчилар ихтиёрига бухгалтерия ҳисоботларининг тўлиқ комплектини чоп қилиш йўли билан етказилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоботининг тўлиқ комплектига 1-сон БҲХСда (IAS-1) қуйидагилар киритилган:

- молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- изохлар, яъни ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изохлар<sup>6</sup>.

<sup>5</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>6</sup> 1-БҲХС (IAS) “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” 10-банд

МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот шакллари таркиби БҲМС талаблари бўйича тузиб тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот шаклларига бирмунча мос келади. Шу билан бирга, молиявий ҳисобот таркиби ва унинг мазмуни бўйича МХХС ва БҲМС орасида айрим фарқлар мавжуд бўлиб, ушбу фарқлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**МХХС ва БҲМСга мувофиқ молиявий ҳисобот таркибидаги фарқлар<sup>7</sup>**

<b>МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот таркиби</b>	<b>БҲМСга мувофиқ молиявий ҳисобот таркиби</b>	<b>Изоҳ</b>
Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Бухгалтерия баланси	Номи мос келмайди, таркиби қисман мос келади
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	Номи ва таркиби мос келмайди
Капитал ўзгариши ҳақида ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот	Номи ва таркиби мос келмайди
Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот	Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот	Номи мос келади, таркиби мос келмайди
Молиявий ҳисоботга изоҳлар	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар	

Ҳозирги кунда халқаро миқёсда молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг турли давлатларда бар қанча моделлари мавжуд. Уларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳар бири маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга. Масаланинг ушбу жиҳатларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш натижаси кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлатда мавжуд ҳисоб тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва стандартлаштириш орқали фойдаланувчиларга фойдали бўлган бухгалтерия ҳисоби ахборотлари шакллантирилади. Биз ҳам ушбу томоилга мувофиқ, тизимли равишда халқаро стандартларга мослаштириб боришимиз лозим бўлади.

Диссертациянинг “**Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қўллаш имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг шаклланиш жараёнлари, бухгалтерия ҳисобини стандартлаштириш ва ҳисобнинг халқаро стандартларининг вужудга келиши ўрганилган ва хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Ушбу боб бўйича алоҳида хулосалар, тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Изданишлар натижасида, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш учун унинг ҳисоб сиёсати илк бор ишлаб чиқилди. БҲМС ва МХХСларда мавжуд бўлган

<sup>7</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

нормувофикликлар туфайли молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш учун “Акциядорлик жамиятининг умумий фойдаланиш учун халқаро стандартлар бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш мақсадида қўлланиладиган Ҳисоб сиёсати”(кейинги матнда – Ҳисоб сиёсати) ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Мазкур ҳисоб сиёсати миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизими билан МҲХСнинг молиявий ҳисобот ахборотига қўядиган талаблари ўртасидаги фарқли томонлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботга қўйиладиган талаблар, асосан, қуйидаги БҲМС ва МҲХСларда белгилаб берилган (3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишга талаблар: миллий ва халқаро стандартлар<sup>8</sup>

Миллий стандартлар	Халқаро стандартлар
1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”	1-сон БҲХС (IAS) “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”
0-БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”	8-сон БҲХС (IAS) “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”	1-сон МҲХС (IFRS) “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”
9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот”	
14-сон БҲМС “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот	
15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси”	
20-сон БҲМС “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”	


Ўзбекистон Республикасида Ҳисоб сиёсатига талаблар, асосан, 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да белгилаб берилган. Шунингдек, молиявий ҳисобот шакллари ва унга қўйиладиган талаблар: 0-БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”, 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”, 9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот”, 14-сон БҲМС “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот, 15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси”, 20-сон БҲМС “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”ги стандартларда белгилаб берилган. Жумладан, 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик

<sup>8</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асослар белгилаб берилган бўлса, 3, 9, 14, 15-сон БҲМСлар мос равишда молиявий ҳисобот шаклларига қўйиладиган талабларни ўзида ақс эттирган.

Халқаро стандартларда 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”, 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” 1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”лар молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш ва ҳисоб сиёсатини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши 4 қисмдан: умумий қоидалар, молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари ва иловалардан иборат. Буларнинг тузилиши қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



**1-расм. Ҳисоб сиёсатининг тузилиши<sup>9</sup>.**

Ҳисоб сиёсатининг “Умумий қоидалар” қисмида, унинг ташқи (ички) фойдаланувчилар учун халқаро стандартлар бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш мақсадида қўлланилаши, мазкур ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари каби) асосида тузилган молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS, IFRS) асосида тузилган молиявий ҳисоботларга трансформация қилиш мақсадида ишлатилиши белгилаб берилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида трансформация қилинган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун муҳим бўлган бухгалтерия ҳисоби усуллари (ҳисоб принциплари) қамраб олган ва унинг барча фаолият турлари учун ҳисобнинг асосий принциплари ёритилган. Ушбу принципларга бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш тамойили, фаолиятнинг узлуксизлиги, муҳимлик ва бирлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоб, ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги, минимал ва қўшимча қиёсий маълумот ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш, ретроспектив қайта ҳисоблаш ёки қайта таснифлаш, тақдим этишнинг изчиллиги киритилган.

<sup>9</sup>Тадқиқот натижасида муаллиф ишланмаси. Уларнинг тўлиқ изоҳи диссертацияда келтирилган.



Ҳисоб сиёсатининг иккинчи қисми – “Молиявий ҳисоботлар”да молиявий ҳисоботларнинг мақсади, молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами, ҳаққоний тақдим этиш ва МҲХСларга мувофиқлик, молиявий ҳисобот шакллари аниқ кўрсатилган ҳолда акс эттириладиган ахборотга қўйиладиган талаб белгилаб берилган. Ҳисоб сиёсатининг ушбу қисмида молиявий ҳисобот шаклларида кўрсатиладиган ахборотнинг кенгайтирилган тавсифи келтирилган.


Ҳисоб сиёсатининг “Бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари” деб номланган учинчи қисмида миллий стандартларимизда таърифлаб ўтилган ҳисоб объектларидан ташқари, халқаро стандартларга хос бўлган ҳисоб объектлари ҳам келтирилган. Хусусан, “инвестицион мулк”, “молиявий активлар” ва “молиявий мажбуриятлар”, “резервлар”, “шартли мажбуриятлар” ва “шартли активлар”, “ходимларнинг даромадлари”, “қурилиш шартномалари” каби атама ва тушунчалар миллий ҳисоб тизимимизда ишлатилмайди. Ишлатилган ҳолда уларнинг халқаро стандартларга нисбатан фарқланиши кўрсатиб берилган.

Ҳисоб сиёсатининг “Иловалар” қисмида халқаро стандартлар асосида тузиб, тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларнинг намунавий шакллари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда молиявий ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш”**га бағишланган. Унда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш йўллари, халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботнинг инвесторлар учун асосий ахборот манбаи эканлиги ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш йўналишлари ёритилган. Ушбу боб бўйича хулосалар, таклиф ва тавсиялар ҳам алоҳида изоҳланган.

МҲХС тизимида молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг техник масалалари бўйича ҳеч қандай қоидалар йўқ. Шундан келиб чиқадики, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминловчи ҳар қандай ёндашув яроқли.

Амалиётда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўзгартиришнинг икки хил усулидан фойдаланилади: Параллел ҳисоб ва трансформация усули. Уларнинг ҳар бири турли хил модификацияда қўлланиши мумкин (2-расм).



**2-расм. МҲХСга мувофиқ ҳисобот тайёрлаш усуллари<sup>10</sup>**

Параллел ҳисоб ва трансформация усулларининг солиштира таҳлили 4-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб миллий компаниялар учун трансформация усули қулайроқ: ҳали параллел бухгалтерия ташкил қилишни айтмаганда ҳам, параллел ҳисоб юритувчи ёки МҲХС асосида ҳисоб юритувчи дастурлар ўта қиммат.

МҲХСни қўллаш ҳақида қарор қабул қилаётган ихтиёрий ташкилот олдида иккита вариантдан биттасини танлаш имконияти мавжуд: ҳисоботни ўзи мустақил тайёрлаши ёки четдан ихтисослашган фирмани жалб қилиш. Ўзининг халқаро ҳисобот бўлимини ташкил қилиш четдан ихтисослашган ташкилотни жалб қилишга қараганда машаққатли ва яна қимматроқ кўриниши мумкин. Шундай бўлсада, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки йирик корхоналар қиммат ва мураккаб жараён бўлишига қарамасдан ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказадиган ўз бўлимларини ташкил қилишга ҳаракат қилишади.

Тадқиқот натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган (трансформация қилинган) молиявий ҳисоботлар орқали ахборотлар ишончлилигининг ортиши асосланди. Бундан келиб чиқиб, миллий стандартлар асосида молиявий ҳисоботларда ифодаланадиган кўрсаткичлар такомиллаштирилди.

<sup>10</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

**Параллел ҳисоб ва трансформация ва усуллари билан  
МҲХС бўйича ҳисоботга ўтказиш: солиштирма таҳлил <sup>11</sup>.**

Солиштириш соҳаси	Миллий ҳисоботни МҲХС шаклига ўгириш усуллари	
	Параллел ҳисоб	Трансформация
1	2	3
Усул таркиби	БҲМС ва МҲХС принциплари ва талаби асосида параллел (икки марта) ҳисоб юритиш	Ўтган давр ҳисоботларига тузатиш киритиш
МҲХС бўйича ахборот тайёрлашнинг даврийлиги ва тезкорлиги.	МҲХС билан мос жорий ахборотни тезкорлик билан ва доимий асосда тақдим қилади	МҲХСга мос тузилган молиявий ҳисоботлар даврий, аниқ бир санага уни тузишга эҳтиёж бўлганда тақдим қилинади
МҲХС бўйича ахборот тайёрлашнинг нархи	Сезиларли кўшимча молиявий харажатлар	Нисбатан кам молиявий харажатлар
БҲМС ва МҲХС асосида ахборот тайёрлашнинг кетма-кетлиги	МҲХСга мос молиявий ҳисоботни БҲМС асосидаги ҳисобот билан бир вақтда тақдим қилинади	МҲХСга мос молиявий ҳисоботни фақатгина БҲМС асосида ҳисобот тайёрлагандан сўнг тақдим қилиш мумкин
Вақт сарфи	Нисбатан кам	Узоқ вақт талаб қилади
Тақдим қилинадиган ахборотнинг аниқлиги	МҲХСга мувофиқ янада аниқ ахборотни ифодалайди	МҲХСга мувофиқ камроқ аниқ молиявий ахборотни ифодалайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида “Neft va gaz quduqlarini sinash” АЖда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш жараёнида миллий ва халқаро стандартлар асосида тузилган Бухгалтерия баланси (31.12.2013, 31.12.2014, 31.12.2015 га) тадқиқ қилинди. Унинг 2016-2018 йиллардаги ҳолати ҳам кузатилди. Унда миллий ва халқаро стандартлар ўртасидаги фарқ яққол кўриниши учун халқаро стандартларда маълумотлар миллий стандартлардаги маълумотлар билан қиёсланди. Бунинг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

<sup>11</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

**Бухгалтерия балансининг миллий ва халқаро стандартларини қиёслаш  
натижасидаги ўзгаришлар ҳолати<sup>12</sup>**

Кўрсаткичлар номи	Код стр	МҲХСнинг БҲМС га нисбатан фарқи
1	2	3
<b>Актив</b>		
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		
<b>Асосий воситалар:</b>		
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	Ошган
Эскириш суммаси (0200)	011	Ошган
қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	Ошган
Капитал қўйилмалар (0800)	100	Камайган
<b>I бўлим бўйича жами</b> (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	Ошган
<b>II. Жорий активлар</b>		
<b>Товар-моддий захиралар, жами</b> (сатр.150+160+170+180), ш.ж.:	140	Камайган
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	Камайган
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	Камайган
<b>Дебиторлар, жами</b> (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	Камайган
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	Камайган
<b>II бўлим бўйича жами</b> (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	Камайган
<b>Баланс активи бўйича жами</b> (сатр.130+390)	400	Ошган
<b>Пассив</b>		
<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>		
Резерв капитали (8500)	430	Ошган
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430- 440+450+460+470)	480	Ошган
<b>II. Мажбуриятлар</b>		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+)	600	Ошган
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	Ошган
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	Ошган
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	Ошган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, баланснинг актив қисмидаги асосий воситаларда кўпайиш рўй берган, товар моддий захиралар

<sup>12</sup>Мазкур жадвал Бухгалтерия балансининг миллий ва халқаро стандартларини қиёслаш натижасидаги аниқланган ўзгаришлар асосида тузилган. Батафсил маълумот диссертацияда келтирилган. МҲХСнинг БҲМС га нисбатан фарқи бўлмаган айрим моддалар жадвалга киритилмаган.

ва дебиторлик қарзларда, жумладан, олинадиган счетлар қийматида камайиш кузатилган. Пассив томонида эса резерв капитали ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми моддаларининг ўсганлигини кўриш мумкин.

Асосий воситаларда ўсиш АЖда мавжуд фойдаланилаётган асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолаш натижасида вужудга келган. Даргумон қарзлар резерви (4910) моддасининг қайта ҳисоб-китоб қилиниши натижасида унинг қиймати ошганлиги туфайли Харидор ва буюртмачилар қарзининг пасайиши рўй берган. Оқибатда, дебиторлик қарзлари суммаси камайганлигини изоҳлашимиз мумкин. Меҳнат таътили захирасини ташкил қилиш натижасида баланс пассив қисмидаги бошқа кредиторлик қарзлар моддасидаги қиймати ошган.

